

5-10-2019

The factor of good neighborhood and tourism development (Philosophical analysis)

Bakhtiyor Mirzarahimov
Fergana state University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Mirzarahimov, Bakhtiyor (2019) "The factor of good neighborhood and tourism development (Philosophical analysis)," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 1 , Article 23. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss1/23>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

The factor of good neighborhood and tourism development (Philosophical analysis)

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ (Фалсафий таҳлил)

Бахтиёр Мирзараҳимов Хошимович
Фарғона давлат университети ўқитувчиси
E-mail: alfargoniy.uz@mail.ru

Аннотация: Мақолада, мустақилликка эришган Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги аҳил қўшничилик муносабатлари ривожланиб бориши ва минтақа ҳамкорлигига таъсир этган ижобий ҳамда салбий омилларни бартараф этиш йўллари фалсафий таҳлил қилинган. Шунингдек, Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг мавқеини оширишда аҳил қўшничилик ва туризм маданиятини ривожлантириш, тарғиб қилиш орқали тинчлик ва барқарорликка эришиш омиллари ёритилган.

Калит сўзлар: “Туркистон – умумий уйимиз”, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, туризм маданияти, дўстлик, юрт тинчлиги, аҳил қўшничилик, халқ фаровонлиги.

ФАКТОР РАЗВИТИЯ ДОБРОСОСЕДСТВА И ТУРИЗМА (Философский анализ)

Бахтияр Мирзараҳимов Хашимович
Ферганский государственный университет
E-mail: alfargoniy.uz@mail.ru

Аннотация: В статье анализируется путь развития дружественных отношений между странами Центральной Азии, которые достигли независимости, и пути преодоления негативных факторов, оказавших позитивное влияние на региональное сотрудничество. Также анализируются факторы достижения мира и стабильности путем пропаганды добрососедства и культуры туризма в продвижении позиций Узбекистана в Центральной Азии.

Ключевые слова: “Туркестан - наш общий дом”, межнациональное согласие, межрелигиозная толерантность, культура туризма, дружба, мир в стране, добрососедства, благосостояние людей.

THE FACTOR OF GOOD NEIGHBORHOOD AND TOURISM DEVELOPMENT (Philosophical analysis)

Bakhtiyor Mirzarahimov Xashimovich
Fergana state University
E-mail: alfargoniy.uz@mail.ru

Abstract: The article analyzes the way to the development of friendly relations between the Central Asian countries which have achieved independence and the ways to overcome

negative factors that have had a positive influence on the regional cooperation. It also has analyzed the factors of achieving peace and stability by promoting propagation of good neighborhood and tourism culture in promoting Uzbekistan's position in Central Asia.

Key words: *“Turkistan - our common home”, interethnic harmony, inter-religious tolerance, tourism culture, friendship, peace of mind, good neighborhood, people's welfare.*

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 5-устувор йўналиши “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” деб номланган. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири Марказий Осиё минтақасидаги янги мустақил давлатлар – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан қардошларча дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Марказий Осиё Минтақасида яшовчи халқлар ўртасида ўзаро бир-бирига умумий ва ўхшаш бўлган томонлар анчагина кўп. Аввало тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, динимизнинг бирлиги халқлармизни бир-бирига яқинлаштиради, дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланиши ва мақсадлар муштарақлигини таъминлайди.

Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсати, иқтисодиёти ўзаро муносабатлари детерминистик хусусиятга эга ҳисобланади. Минтақани география, иқлим, умумий тарихий ва цивилизацион илдишлар бирлаштиради. Шу билан биргаликда минтақа мамлакатлари қарши турган хавф-хатарлар ва муаммолар ҳам умумийдир. Уларнинг келиб чиқиши ва хусусияти Марказий Осиёнинг барча халқлар интеграциясини ва ҳамкорлигини тақозо этади. Тарихимиз муштарақлиги ва халқлар ўртасидаги бирлик дунёнинг глобал муаммоларини дўстона ҳал этиш, биз учун хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, янги авлодлар учун келажакни биргаликда қуришда ёрдам бермоқда. Бундан бир давлатнинг Марказий Осиё давлатлари интеграциясидан четда туриши барча сиёсий-иқтисодий мақсадларни йўққа чиқариши мумкин.

Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигининг асосий ғояси шундан иборат эдики, глобаллашув шароитида минтақада яшовчи ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, тожик, туркман ва бошқа халқлар ўртасида қадимий дўстлик алоқаларини мустаҳкам-лашни назарда тутиб “Туркистон-умумий уйимиз” шиори остида маънавий-маданий, тарихий ҳамкорликка кўпроқ асосланган. “Туркистон-умумий уйимиз” шиори остидаги Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг учрашувлари 2001, 2002, 2003, йилларда бўлиб ўтди. Бу йилларда минтақа давлатлари Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар тузишга эришдилар. Келишувларда Марказий Осиё давлатларида ҳозирги кунда мавжуд бўлган бир талай минтақавий муаммолар, хавф-хатарлар, таҳдидлар муҳокамага қўйилди.

Асрлар давомида бағрикенглик, маърифатпарварлик ва инсонпарварлик фалсафасининг бешиги саналган ва шу нуқтайи назардан Ғарб ва Шарқ, турли динлар ва маданиятлар ўртасидаги кўприк вазифасини бажариб келатган

минтақада XX асрга келиб асосий хавф-хатарлар ва таҳдидлар мажмуи пайдо бўлди. Минтақавий ҳамкорликка ўз таъсирини ўтказувчи ушбу омиллар ҳамкорлик жараёнларида бир қатор тўсиқларни вужудга келтирди. Бу омиллар:

-Собиқ Иттифоқ даврида шакллантирилган иқтисодий-сиёсий тартиботларнинг асоратлари;

-минтақада миллий давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари

- кечаётганлиги мустамлакачилик зулми остида эзилган халқларда ўз “мен” лигини намойиш қилиш кучайганлиги;

-минтақадаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ёки истиқбол билан боғлиқ реалликдан йироқ бўлган айрим хорижий маълумотлар;

-мустақилликнинг дастлабки йилларида ёш республикалар ўз миллий кадриятларини тиклашга, ўз анъаналарига қайтишга, миллий давлатчиликни шакллантиришга, ўз имкониятларидан келиб чиқиб тараққиёт йўларини белгилаб олишга асосий эътиборни қаратдилар. Булар миллий манфаатлардаги алоҳидалик-нинг намоеён бўлишига кўпроқ сабаб бўлди. Чегара муаммолари, сувдан фойдала-нишда, ташқи кучлар билан алоқалар ўрнатишда ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш сиёсатида алоҳидалик кўзга ташланади[1].

Халқаро наркобизнес, терроризм, диний экстремизм, геосиёсий рақобат, харбий рақобат майдонига айланиши минтақа давлатлари интеграциясига, интернет телекоммуникация тизимлари, сиёсий-иқтисодий муносабатларнинг эркинлашуви ва кўчиб юриш эркинлигига тўсқинлик қилди[2].

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганидек: “Айни маҳалда бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқлар вакиллариининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баъзи миллат этнослар вакиллариининг бошқаларга такаббурлик билан, менсимай муносабатта бўлиши каби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитга барҳам бериш лозим”[3]. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан минтақада аҳил қўшничилик, ҳамда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни таминлаш концепцияси ишлаб чиқилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан олиб борилаётган кўп асрлик дўстлик, аҳил қўшнилик, бир-бирини қўллаб – қувватлаш, қардошлик алоқаларидаги янгича ёндашувларни тақдир этмоқда. Ўзбекистоннинг қўшни давлатларга бўлган бундай сиёсатини бутун дунё эътироф этмоқда. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан Давлат чегаралари бўйича тарихий келишувларга эришилгани, чегарадош ҳудудлараро борди-келди осонлаштирилгани маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлади. Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик муносабатларига кенг имкониятлар яратади. Давлатимиз чегерасидан ҳар куни минглаб сайёҳлар турли мақсадларда ишбилармонлик ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни фаоллаштириш доирасида ўз қариндошлари

билан учрашиш ва сайёҳлик объектларини кўриш мақсадида ўтиб келмоқдалар. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”[4] минтақа давлатлари ўртасидаги савдо, инвестиция, транспорт, туризм, таълим ва илм-фан, маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантирди. Бу борада Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин “Бизлар янги дўстлик кўприклари ва янги “Ипак йўлларини” барпо этишимиз керак. Фарзандларимиз, набираларимиз учун бу ёруғ йўллар кенг ва ҳавф-хатардан холи бўлиши лозим”[5].

Бизга маълумки, мустақил давлат ташкил этган биринчи подшо, император давлат суверинететини сақлаш, кўчманчи қабилалардан ҳимояланиш учун давлат чегараларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратган ва “изоляцияцион” сиёсат олиб боришга мажбур бўлган. Бундай сиёсат давлатнинг эркин ташқи сиёсат олиб боришига, иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилган. Лекин, ҳозирги глобаллашув шароитида дунёга очиқ юз билан одимлашимиз керак. Шу ўринда Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги сўзларини келтиришни жоиз, деб топдик. “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман”.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек “Оддий ва очиқ инсоний мулоқот – минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усул”[6]. Минтақа халқлари ўртасидаги яқин муносабатлар, оддий ва очиқ инсоний мулоқот, халқаро дўстлик, маданий алоқаларнинг ривожланиб бориши – минтақада аҳил қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бундай муносабатлар минтақа мамлакатларининг маданий, иқтисодий, сиёсий ҳамкорлик борасидаги имкониятларни яратади ҳамда жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратишга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, Марказий Осиё халқлари ҳамда дунё халқлари ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашида туризм маданияти қанчалик даражада ривожланганлигига боғлиқ ва унинг ўрни каттадир. Оддий ва очиқ инсоний мулоқот эса туризм маданияти ривожини учун кенг имкониятлар очади. Туризм маданиятини ривожлантириш орқасида мамлакатда ташқи иқтисодий алоқалар йўлга қўйилади. Чунки тарихан туризм доимо тинчлик ва дўстлик тимсоли сифатида мамлакатларни ўзаро боғлаган. Буларнинг барчаси миллат маданиятини кенгайтирган ва ўзаро тинч муносабатларни ўрнатган. Глобаллашув шароитида барқарор тараққиётнинг омили кўпроқ минтақа халқларининг миллатлараро бағрикенглик маданиятига боғлиқдир. Фуқаролардаги миллатлараро бағрикенглик ижтимоий муносабатларни ижобий томонга йўналишини таъминлайди. Инсониятга оғир мусибатлар келтирган жаҳон урушлари, катта-кичик можароларнинг барчасининг асосини, аввало, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар ташкил

этиб келган. Инсоният ўзи яшаб турган сайёрасини асраб қолиши, хотиржам, осойишта ҳаёт кечирishi учун одамларни мураса қилиб яшашга, миллий ва диний бағрикенгликка, сабрлилик ва бардошлилик фазилатларига амал қилиши ҳозирги таҳликали дунёда давр талабидир. Шу боис миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш сифатида туризм барча халқлар ва давлатлар томонидан эътироф этилмоқда. Марказий Осиё халқлари турмуш тарзида турли хил миллат ва элат вакиллари билан бағрикенглик ва маданий ҳамкорликнинг азалдан мавжудлиги, ҳозирги кунда туризмни ривожлантириш учун асос бўлмоқда. Туризмнинг тарбиявий йўналишдаги вазифаси шундан иборатки, инсон саёҳат натижасида билим ва тажриба олади, бундан ташқари чиниқади, қийинчиликларни бартараф этади, мамлакатини соғинади ва қадрлайди, бошқа миллат дунёқарашига, урф-одатларига ҳурмат билан қарайдиган бўлади. Биз мамлакатимизда туризм маданиятини ривожлантириш орқали қуйидаги натижаларга эришишимиз мумкин:

-халқлар дўстлиги, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, аҳил қўшничилик ва яқдиллик ғояларини мунтазам тарғиб-ташвиқ қилишимиз, ватанпарварлик хис-туйғуларини ўстириб боришимиз;

-этномаданий анъана ва қадриятлар ранг-баранглигини сақлаб қолиш, уларни ўрганиш ва амаллаштиришимиз;

-турли миллат ва элатлар вакиллариининг мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётида тўлароқ иштирок этишида ёрдам берадиган уюшмалар, фольклор ансамбллар ва бошқа жамоа бирлашмалари ишини янада фаоллаштиришимиз;

-таълим сифатини, аҳолини ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини оширишимиз, кўпроқ иш ўринларини (ҳар 30 та турист битта ёки иккита янги иш ўринларини барпо қилишга имконият яратади[7]) яратишимиз мумкин.

Туризм маданиятини шакллантиришда ҳозирги кунда Ўзбекистонда жуда кўп ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар – туризмни ривожлантиришга йўналтирилган фармон ва қарорлар, халқаро ва миллий тадбирлар, янги хорижий таълим муассасалари фаолиятининг йўлга қўйилиши, сайёҳлар оқимининг ошиши, туризмнинг янги йўналишларини ривожлантирилиши, инфратузилмани такомиллаштиришга оид саъй-ҳаракатлар, хорижий инвесторларни жалб қилиниши Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги халқаро рейтингларда юқорилашига хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Марказий Осиё минтақасида аҳил қўшничилик сиёсатини тарғиб қилиш ва туризм маданиятини ривожлантириш орқали мамлакатимизда умуммиллий қадриятлар бўлган миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантирилади.

Қашшоқликка барҳам бериш ҳамда барча давлатлар иқтисодий барқарорлигига эришиш мақсадида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2017 йилни “Халқаро туризм йили”[10] деб элон қилинди, Ўзбекистон орқали Марказий Осиёда аҳил қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2018 йил Қозоғистонда “Ўзбекистон йили”[11] деб элон қилинди. Умуман олганда, халқаро тузилма, ёки бирор давлат томонидан жамиятни қайсидир

ривожланмаган томонини босқичма-босқич ривожлантириш мақсадида йилларга ном бериш одат тусига кирган. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, келгуси йилни мамлакатимизда “Аҳил қўшничилик ва туризмни ривожлантириш йили” деб номлашни таклиф этамиз.

References

1. Sirojov O.O., Markaziy Osiyodagi mintaqaviy hamkorlik jarayonlarida O'zbekiston manfaatlarini, Avtoreferat. Toshkent – 2018 B- 15
2. Safoev S.S., Markaziy Osiyoda geosiyosat, Toshkent - 2005. B- 20
3. Karimov I. A., O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: havfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. Toshkent. O'zbekiston, 1997. B-74
4. Mirziyoev SH.M., Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. – Toshkent, “O'zbekiston”, 2018. –B. 328
5. Mirziyoev SH.M., Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. – Toshkent, “O'zbekiston”, 2018. –B. 344
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Samarqand shahrida o'tkazilgan —Markaziy Osiyo: yagona tarix va umumiy kelajak, barqaror rivojlanish va taraqqiyot yo'lidagi hamkorlik || mavzusidagi xalqaro konferentsiyada so'zlagan nutqi. <http://www.prezident.uz/uz/lists/view/1227>.
7. Bogdanov Yu.V. Razvitie industrii turizma kak faktor sotsial'no-ekonomicheskogo rosta regiona (na primere Sankt-Peterburga i Leningradskoy oblasti) Avtoreferat diss. ... kan. ekon. n. Sankt-peterburg – 2004.
8. en.trend.az/business/tourism/3002756.html
9. <https://uzbektourism.uz/>
10. Mirziyoev SH.M., Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. – Toshkent, “O'zbekiston”, 2018. –B. 330
11. Turkistonpress.uz/article/19694